

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сонли Фармонида белгилаб берилган дастурлар ижроси ҳақида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
1.	25.2-банд. 2024 йил 1 мартга қадар сув каналларини реконструкция қилиш ишларига Давлат бюджетидан қўшимча ажратилган 500 миллиард сўм маблағлар доирасида камида 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаш ишларини якунлаш чораларини кўриш.	2024 йил 1 март	Д.Ходжихмедов, Ш.Султонов, Н.Хўжақулов (у)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг (25.12.2023 й. ПҚ–404-сонли) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг (21.12.2023 й. 21 декабрдаги 672-сонли) қарорларига мувофиқ 2024 йилда каналларни реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур тасдиқланган. Ушбу манзилли дастурга 75 та (8 та аввалги йиллардан ўтувчи ва 67 та янгидан бошланувчи) объект киритилиб, 71 та объектни ҳамда 554,5 км каналларни фойдаланишга топшириш учун 676,7 млрд. сўм ажратилган. 554,5 км магистрал ва хўжаликлараро каналларга тегишли жами 75 та лойиҳани молиялаштириш 15 январдан бошланган бўлиб, жами 663,4 млрд. сўм маблағ тўловлари амалга оширилган. 2024 йил учун аниқлаштирилган лимит 670,4 млрд. сўмни (дастлабки ажратилган лимитдан 6,3 млрд. сўм иқтисод қилинди ҳамда бошқа объектларга йўналтирилди) ташкил этди. 2024 йилнинг 5 декабрь ҳолатига 75 та объект доирасида жами 554,1 км (100%) каналлар реконструкция қилинди, шундан 436,8 км каналлар бетонлаштирилган. 68 та объектда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджети қисми бўйича “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш. 2-фаза” лойиҳасига 120,8 млрд. сўм ажратилиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 159 км каналларни модернизация қилиш ишларини якунлаш белгиланган. Ҳисобот даврида 60,8 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 80 км қисмида модернизация ишлари бажарилган. 2024 йил давомида халқаро молия институтлари ва хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан Жаҳон банки иштирокидаги “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳасининг давлат бюджети қисми бўйича Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 107,3 км (98,8 км каналларни бетонлаштириш ва 8,5 км қирғоқларни мустаҳкамлаш) ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
				“Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳаси доирасида Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 8,2 км каналларни бетонлаштириш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг “CITIC Construction”, “China SAMC Engineering” ва бошқа нуфузли компаниялари билан келгусида жами 1,3 минг км (<i>Қашқадарё 319,8 км, Бухоро 64,1 км, Наманган 22,9 км, Сурхондарё 904 км</i>) узунликдаги каналларни реконструкция қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 апрелдаги 246-Ф-сонли ва 6 майдаги 278-Ф-сонли фармойишлари қабул қилиниб, ҳозирда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари (<i>ТИА</i>) учун тегишли экспертиза хулосалари олиниши бўйича ишлар олиб борилмоқда. <i>Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг (07.05.2024 й. ПФ–74-сон) Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг (15.04.2024 й. 33-сон) Раёсат мажлиси баёнининг 6-илоvasи 11-бандига мувофиқ, ушбу топшириқ ижро муддати 2025 йил 31 декабрга қадар узайтириш маъқулланган.</i>
2.	3-илова, 3-банд. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда “Smart Water” (“Ақлли сув”) ҳамда шу каби рақамли технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	2024 йил давомида	Х.Кувондиқов, Н.Галипшин (у)	Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2024 йилда сув хўжалиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Мазкур чора-тадбирлар режасида 4 755 та сув хўжалиги объектларида “Ақлли сув” ва 2 647 та мелиоратив кузатув қудуқларида ер ости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларини назорат қилувчи “Дайвер” қурилмаларини ўрнатиш ҳамда 20 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш режалаштирилган. Ҳозирги кунга келиб маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1 527 та “Ақлли сув” ва 2 110 та “Дайвер” қурилмалари ўрнатилиб, 14 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилган.
3.	3-илова, 4-банд.	2024 йил март	Р.Қаршиев, Д.Кдирбаев,	Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда сувнинг кадр-қиммати

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
	Сувнинг кадр-қиммати ҳақида кенг кўламли ахборот компаниясини ўтказиш. Йиғилган тўловлар ҳудуднинг сув инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳудудлар фаровонлигини оширишга сарфланиши ҳақида тушунча берувчи компания ўтказиш. Бунда, сув истеъмолчиларининг ресурсга бўлган муносабатини ўзгартириш учун сув тақчиллиги ортиб бораётгани ҳақидаги прогнозларни оммалаштириш.		Ш.Суюнов (у)	ҳақида кенг кўламли ахборот компаниясини ўтказиш бўйича “Медиа-режа” тасдиқланган. Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувдан фойдаланиш маданияти ва “Сув тэкин эмас” ғоясини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида республикамиз сув хўжалиги тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижалари, янгилик ва ўзгаришлар ҳақида 50 дан ортиқ ахборот ва материаллар жойлаштирилган. Давлат дастурида вазирликка белгиланган вазифалар ижроси ҳақида сайтда таҳлилий маълумотлар (https://suvchi.gov.uz/uz/posts/1545735855/4805) эълон қилинган.
4.	3-илова, 6-банд. Бетон қопламали магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг улушини ошириш.	2024 йил март	Д.Ходжихмедов, Ш.Султонов, Н.Хўжақулов (у)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг (25.12.2023 й. ПҚ–404-сон) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг (21.12.2023 й. 21 декабрдаги 672-сон) қарорларига мувофиқ 2024 йилда каналларни реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур тасдиқланган. Ушбу манзилли дастурга 75 та (8 та аввалги йиллардан ўтувчи ва 67 та янгидан бошланувчи) объект киритилиб, 71 та объектни ҳамда 554,5 км каналларни фойдаланишга топшириш учун 676,7 млрд. сўм ажратилган. 554,5 км магистрал ва хўжаликлараро каналларга тегишли жами 75 та лойиҳани молиялаштириш 15 январдан бошланган бўлиб, йил давомида 663,4 млрд. сўм маблағ тўловлари амалга оширилган. 2024 йил учун аниқлаштирилган лимит 670,4 млрд. сўмни (дастлабки ажратилган лимитдан 6,3 млрд. сўм иқтисод қилинди ҳамда бошқа объектларга йўналтирилди) ташкил этди. 2024 йилнинг 5 декабр ҳолатига 75 та объект доирасида жами 554,1 км (100%) каналлар реконструкция қилинди, шундан 436,8 км каналлар бетонлаштирилган. 68 та объектда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган. 2024 йил давомида халқаро молия институтлари ва хорижий инвестиция маблағлари

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
				хисобидан Жаҳон банки иштирокида “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳасининг Давлат бюджети қисми бўйича Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 107,3 км (98,8 км каналларни бетонлаштириш ва 8,5 км қиргоқларни мустаҳкамлаш) ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокида “Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳаси доирасида Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 8,2 км каналларни бетонлаштириш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг “CITIC Construction”, “China CAMC Engineering” ва бошқа нуфузли компаниялари билан жами 1,3 минг км (Қашқадарё 319,8 км, Бухоро 64,1 км, Наманган 22,9 км, Сурхондарё 904 км) узунликдаги каналларни реконструкция қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 апрелдаги 246-Ф-сонли ва 6 майдаги 278-Ф-сонли фармойишлари қабул қилиниб, ҳозирда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари (ТИА) учун тегишли экспертиза хулосалари олиними бўйича ишлар олиб борилмоқда. <u>Маълумот учун:</u> Ўзбекистон Республикаси Президентининг (07.05.2024 й. ПФ–74-сон) Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг (15.04.2024 й. 33-сон) Раёсат мажлиси баёнининг 6-иловаси 11-бандига мувофиқ, ушбу топшириқ ижро муддати 2025 йил 31 декабрга қадар узайтирилиши маъқулланган.
5.	3-илова, 7-банд. Қишлоқлар ҳудудидан ўтадиган ариқлар ва ички сув объектлари жойлашган ерларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр паспортларини тақдим қилиш амалиётини йўлга қўйиш.	2024 йил 25-октабр	Т.Бутунбаев, Б.Минасипов (у)	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (22.06.2021 й. 389-сон ва 22.10.2022 й. 620-сон) қарорлари билан қишлоқлар ҳудудидан ўтадиган ариқлар ва ички сув объектлари жойлашган ерларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр паспортларини тайёрлатиш ишлари тартибга солинган. Мазкур тартиб асосида республикамиздаги 13,2 мингта ариқ ва ички сув объектлари фойдаланишидаги 118,5 минг гектар ерлар давлат рўйхатидан ўтказилиб, кадастр паспорти шакллантирилиб, паспортини тақдим қилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
6.	3-илова, 8-банд. Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойда-ланиш бўйича “Сувчилар мактаби”нинг 2-босқичини ташкил қилиш.	2024 йил февралдан бошлаб	Р.Қаршиев, Д.Қдирбаев (у)	2024 йилнинг 3 февралидан бошлаб “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва “Агробанк” АТБ билан ҳамкорликда “Сувчилар мактаби”нинг 2-босқичи йўлга қўйилиб, соҳага алоқадор лойиҳачилар, пудратчилар, фермер хўжаликлари ва кластер корхоналари раҳбар-ходимларининг бир ҳафталик малака ошириш курслари ташкил қилинган. 2-босқичда 200 дан ортиқ сув тежовчи технологиялар лойиҳаларини ишлаб чикувчи ташкилот ходимлари, 1 000 дан ортиқ вилоят ва туман ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда вазирлик ва идора раҳбарлари, 9 000 га яқин фермер ва агрокластер раҳбар ва сувчиларини ўқитиш режалаштирилган. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Сувчилар мактаби” нинг тажриба майдонлари ташкил қилинган бўлиб, “Сувчилар мактаби” ўқув биноси ва тажриба майдонларида 2024 йил ҳисобот даврига қадар соҳага алоқадор лойиҳачилар, пудратчилар, фермер хўжаликлари ва кластер корхоналарининг 12 мингдан ортиқ (шундан, 1 547 нафар лойиҳачилар, 11 095 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари ва сувчилари ҳамда 113 нафар сув хўжалиги ходимлари) раҳбар-ходимлари ўқитилди. Бундан ташқари, “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига қабул қилинган раҳбар-ходимларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш мақсадида 6–8 июнь кунлари Сув хўжалиги вазирлиги биносида “Сувчилар мактаби” ҳамда ҳудудлардаги филиаллари биносида ўқитиш ишлари ташкил этилди ва унда 159 та туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларидан жами 900 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этди. Шунингдек, 2024 йилнинг 12 ноябрь кунидан эътиборан бир ҳафта мобайнида Қорқалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари сув хўжалигидаги барча йўналишларда малака ошириш дастури орқали ўқитилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларини ўқитиш учун Туркия, Испания ва Хитой давлатларидан жами 20 нафар экспертлар жалб этилди.

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
7.	3-илова, 9-банд. “Яшил энергия” технологияларини кенг жорий қилиш орқали суғориш тармоқларидан сув етказиб беришда электр энергияси истеъмолини камайтириш. Бунда: Электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш; Насос стансияларида электр энергия ресурсларини тежаш мақсадида муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш; Насос стансияларидаги ескирган 148 та насосларни энергия тежамкорларига алмаштириш.	2024 йил давомида	Т.Бутунбаев, О.Абдуллаев (у)	“Яшил энергия” технологияларини кенг жорий қилиш орқали суғориш тармоқларидан сув етказиб беришда электр энергияси истеъмолини камайтириш ва замонавий технологияларни кенг жорий қилиш мақсадида жорий йилнинг 20 ноябрь ҳолатига 156 дона насос, 154 дона электродвигател, 105 дона конденсатор, 87 дона частота ўзгартирувчи қурилма ва 88 дона қуёш батареялари ўрнатилди.
8.	5-илова, 2-банд. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги илмий-амалий лойиҳаларни йўлга қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш бўйича халқаро грантларни жалб қилиш.	2024 йил давомида	Т.Бутунбаев, Р.Қаршиев, А.Уразкелдиев (у)	Жаҳон банкининг маблағлари ҳисобидан “Қишлоқ хўжалиги экинларини эгатлаб суғоришда тупроқ намлигини бошқаришнинг гидравлик технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги қиймати 200 минг АҚШ доллар бўлган лойиҳа амалга оширилган. USAIDнинг минтақавий сув ва атроф-муҳит лойиҳаси маблағлари ҳисобидан “Талимаржон” сув омборининг чўкиндиляларини механик ва биокимёвий таҳлил қилиш” мавзусидаги қиймати 19,95 минг АҚШ доллар бўлган грант лойиҳаси доирасида “Талимаржон” сув омборининг чўкиндиляларини механик ва биокимёвий таҳлиллари бажарилиб, чўкиндилялардан фойдаланиш бўйича илмий тавсия ишлаб чиқилади. БМТ Тараққиёт дастури доирасида “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг “яшил иқтисодиёт”га инклюзив ўтишини қўллаб-қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
				тизимини ривожлантириш (EU-AGRIN)” мавзусидаги қиймати 50 минг АҚШ доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. БМТ Тараққиёт дастури томонидан молиялаштирилган лойиҳалар доирасида қиймати 107 минг АҚШ доллар бўлган асбоб-ускуналар сотиб олинди.
9.	5-илова, 23-банд. Трансчегаравий дарёлар ва турли гидроиншоотларда юзага келиши мумкин бўлган фавкулдда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ҳукуматлараро ҳамкорликни янада кучайтириш.	2024 йил давомида	Т.Бутунбаев, Р.Рахимов, О.Хазратов (у)	Трансчегаравий дарёлар ва турли гидроиншоотларда юзага келиши мумкин бўлган фавкулдда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда гидротехника иншоотларининг сел оқимлари ва тошқин сувларининг беталафот ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолатини текширувдан ўтказиш бўйича вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (29.02.2024 й. 01/85-24-сон) хатига асосан 2024 йил 11 мартдан 27 мартгача идоралараро ишчи гуруҳ комиссияси томонидан ўрганиш ишлари олиб борилган. Шунингдек, Вазирликнинг 2023 йил 1-ноябрдаги 01/09-3580-сонли хати билан 2024 йил учун чегара ҳудудида жойлашган ўта муҳим гидротехника иншоотларида инспекторлик текширувларини ўтказиш бўйича қўшни давлатлар ҳудудига кириш ҳамда чиқиш ишларини амалга оширишлари учун мутахассис ходимларнинг рўйхати Ташқи ишлар вазирлигига киритилган. Бундан ташқари, вазирликнинг (01.11.2024 й. 01/15-4082-сон) хати билан 2025 йилда Туркменистон ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги объектларида фаолият олиб боровчи ишчи-ходимларнинг Туркменистон ҳудуди кириш ҳамда чиқиши учун қўшимча рухсатгома олинишида амалий ёрдам сўраб Туркменистон Давлат Сув хўжалиги қўмитасига мурожаат қилинган. 2024 йилнинг 6 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Давлатлараро Сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси йиғилишида ҳам ушбу масалалар муҳокама қилинган. 2024 йил давомида қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари ва Туркменистон билан икки ва қўп томонлама учрашувларда трансчегаравий дарёларда ва турли гидроиншоотларда юзага

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
				келиши мумкин бўлган фавқулудда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор масалалар муҳокама қилинган. Вазирлик томонидан келгусида ҳам трансчегаравий дарёларда ва турли гидроиншоотларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулудда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб борилади.
10.	8-илова, 1-банд. Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳасига вазирлик таклифларини бериш.	2024 йил март	Т.Бутунбаев, О.Абдуллаев (у)	Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳасига вазирликнинг таклифлари (19.03.2024 й. 02/14-254-сонли) хат билан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига тақдим этилган.
11.	8-илова, 2-банд. Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш ва улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	2024 йил март	Т.Бутунбаев, О.Абдуллаев (у)	Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 декабрдаги “Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш ва улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 685-сонли қарори қабул қилинган.
12.	8-илова, 3-банд. Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилашнинг 2030 йилгача бўлган стратегиясини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига вазирлик таклифларини бериш.	2024 йил сентябрь	Т.Бутунбаев, Х.Кабилов О.Абдуллаев (у)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини тубдан яхшилашнинг 2035 йилгача бўлган стратегияси тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасига таклифлар (26.08.2024 й. 05/18-3131-сонли хат) “Ўзсувтаъминот” АЖга тақдим этилган.

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
13.	8-илова, 4-банд. 2024–2026 йилларда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига вазирлик таклифларини бериш.	2024 йил 30 март	Р.Қаршиев, Д.Қдирбаев (у)	Ушбу топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2024–2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилиб, Адлия вазирлиги ҳулосаси олинган ҳолда вазирликнинг 2024 йил 31 майдаги 02/06-550-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган регламентга мувофиқ, кўриб чиқиш учун тақдим қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ–5-сонли қарорнинг 8.3-бандида “Агробанк” АТБ томонидан 2024 йил 1 февралдан сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи “suvkredit.uz” электрон тизими ишга туширилиши; шунингдек, қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 11-бандида 2024 йил февралдан бошлаб “Сувчилар мактаби”нинг 2-босқичида лойиҳачилар, пудратчилар, фермер ва кластерлар раҳбар ходимларининг бир ҳафталик малака ошириш курсларини ташкил қилиш, ҳар бир ҳудудда тажриба майдонларини ташкил қилиш, ҳар бир лойиҳани жойида ўрганадиган муҳандис-ирригаторларни тайёрлаш ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш жараёнига жалб қилиш назарда тутилган. Шунга асосан, 2024 йилнинг 3 февралдан бошлаб “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва “Агробанк” АТБ билан ҳамкорликда “Сувчилар мактаби”нинг 2-босқичи йўлга қўйилган ҳамда “Агробанк” АТБ билан биргаликда “suvkredit.uz” электрон платформасини ишлаб чиқилиб, онлайн кредит ажратиш тизимини йўлга қўйилган. Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2024 йил 7 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор (48-сон билан рўйхатга олинган) йиғилиши баёнининг 5-бандида белгиланган топшириққа ҳамда юқоридагиларга асосан

Т/р	Қарор билан вазирликка юклатилган топшириқ	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган тадбирлар
				Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришининг 2025–2027 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси такомиллаштирилиб, қайта ишлаб чиқилди ҳамда вазирликнинг 2024 йил 5 декабрдаги 02/07-1480-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.
14.	10-илова, 5-банд. Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини радиолокацион космик мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига вазирлик таклифларини бериш.	2024 йил март	Т.Бутунбаев, Р.Рахимов Р.Бегматов (у)	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан тайёрланган “Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси прожест.гов.уз га 2023 йил 19 октябрда (VQL-3771/23-сон (ID-87739 (V-1))) жойлаштирилган лойиҳаси вазирликнинг (23.10.2023 й. 02/18-3453-сонли) хати билан келишиб берилган.